

Киш тунларининг бирида йўл бўйлаб кетаётган тулкининг корни оч эди. Булутлар осмонда осилиб турар, далага кор учкунлари сочилиб – сочилиб тушар, кор майдалаб ёгарди.

«Хечкурса, бир тишлам егулик бўлсайди», — дебди тулки. У йўл юрибди, йўл юрса хам мўл юрибди; йўлда ётган чипта кавушни кўриб колибди. «Жойи келса, шу чипта кавуш хам аскотиб колар» — ўйлабди у. Кавушни тишлаб олибди — да, йўлида давом этибди. Кишлокка кириб, биринчи кулбани такиллатибди.

— Ким у? – сўрабди дехкон дарчасини очаётиб.

— Бу – мен, эй, яхши одам, тулкихон – сингилжонман. Тунашга жой бер!

— Биз сенсиз хам тикилиб ётибмиз! – дебди кария ва дарчасини ёпмокчи бўлибди.

— Менга кўп нарса керак эмас, — ўтиниб сўрабди тулки. — Ўриндикка ётсам хам бўлаверади, думимни эса унинг тагига кўяман.

Чолнинг унга рахми келибди ва уйига уиргизибди. Тулки унга дебди:

— Хой, дехкон, чипта кавушимни беркитиб кўй!

Дехкон унинг кавушини олиб, печканинг тагига отиб юборибди.

Хамма уйкуга кетибди, шунда тулки ўриндикдан секин тушибди-да, кавушни ўгирлаб, печкадан узокрок жойга ташлабди. Ортига кайтиб, хеч нарса бўлмагандай, ўриндикка ётиб олибди, думини ўриндикнинг тагига жойлабди.

Тонг ота бошлабди. Одамлар уйгонишибди; кампир печга ўт калабди, чол ўтин териб келгани ўрмонга отланибди. Тулки ўрнидан турибди-ю, чипта кавуши томон ошикибди. Караса, кавуши жойида йўқ. У чинкира бошлабди:

— Мени хафа килди бу кария, очик кўнгиллигимдан фойдаланди. Чипта кавушимнинг ўрнига товук хам олмайман!

Чол печнинг остига кўз югуртирибди — чиндан хам чипта кавуш йўқ! Нима килиш керак?

Ахир, ўз кўллари билан кўйган эди-ку! Товукни олибди-да, тулкига тутибди. Тулки тинмай товукни олмайман, деб бакирар, овози кишлокни тутиб кетар, хадеб кария уни хафа килганини таъкидлар экан.

Чол билан кампир тулкининг кўнглини олай деб унга косачага сут куйиб беришибди, нонни ушатиб, тухум ковуришибди. Тулки шуни кутиб турган экан. Ўриндикка сакраб чикиб олибди, нонни ёбди, сутни симирибди. Тухумни паккос тушириб, товукни олиб, тўрвасига солибди. Уй эгалари билан хайрлашиб, йўлга тушибди.

Йўл бўйи кўшигини бошлабди:

Зим-зие тун оралаб

Кетиб борар тулкихон

Корни оч ва бедармон.

Юриб-юриб бир куни

Топиб олибди кавуш.

Оккўнгил одамларни

Алдаб, кипти айёр иш –

Битта чипта кавушни

Товукка алишибди.

Кеч якин у бошка кишлокка етиб борибди. Так-так-так! – тулки кулбани такиллатибди.

— Ким у? – сўрабди дехкон.

— Бу – мен, тулкихон – сингилжон. Амакижон, тунашга жой бер!

— Сенсиз хам тикилиб ётибмиз, йўлингдан колма, — дебди дехкон ва деразасини ёпиб олибди.

— Мен сизларни сикиб кўймайман, — дебди тулки. — Ўзим ўриндикка ётиб оламан, думимни ўриндикнинг тагига кўяман, вассалом!

Тулкини уйга киритишибди. У уй эгасига эгилиб салом берибди-да, товугини саклаб беришини сўрабди. Ўзи ўриндикнинг бир чеккасига ўрнашиб, ётиб олибди. Думини ўриндикнинг тагига бураб кўйибди. Хўжайнин товукни олиб, панжара ортидаги ўрдаклар орасига кўшиб юборибди. Тулки буларнинг хаммасини кўриб турган экан. Уйдагилар уйкуга кетгач, товугини ўрдаклар ичидан чикариб олибди ва бир пасда еб кўйибди. Патлари, суюкларини печка остига кўмиб, ишни койиллатгандай ўриндикнинг устига сакраб чикибди, кучала бўлиб ётиб олибди — да, уйкуга кетибди.

Тонг ёришибди. Кампир печни ёкишга киришибди, дехкон сигирларга ем берибди. Тулки уйгониб, йўлга тайёрланибди. Уй эгаларига миннатдорчилик билдириб, товугини сўрабди.

Дехкон караса, тулкининг товуги йўк! У ёкка югурибди — бу ёкка югурибди, ўрдакларини бирма — бир кўриб чикибди. Жуда галати — товук йўк!

Тулки овозини барадла кўйиб, айтиб — айтиб йигисини бошлабди:

— О, менинг товукчам, корамагиз товукчам! Сени семиз — семиз ўрдаклар битталаб чўкиб — чўкиб, зангор патли ўрдаклар кокиб — кокиб ташлашдими? Сени хеч кандай ўрдакка алмашмайман!

Кампирнинг тулкига рахми келибди, чолига дебди:

— Унга ўрдак берамиз, корнини хам тўйдирамиз.

Тулкини едириб — ичириб, кўлига ўрдакни тутказиб, дарвозадан чикариб кўйишибди.

Тулкихон йўл бўйи лабларини ялаб — ялаб, кўшик айтибди:

Зим-зиё тун оралаб

Кетиб борар тулкихон

Корни оч ва бедармон.

Юриб — юриб бир куни

Топиб олибди кавуш.

Оккўнгил одамларни

Алдаб, кипти айёр иш —

Битта чипта кавушни

Товукка алишибди.

Товукка эса — ўрдак.

Тулки узок — якин, киска-узун йўл босибди. Кош корайибди. Уйлар кўринган томонга бурилибди. Эшикни такиллатибди: так-так-так.

— Ким у? — сўрабди уй эгаси.

— Тулкихон — сингилжонман, йўлда сиргалиб кетдим, жудаям совкотдим. Кочавериб — кочавериб оёкларим толикди! Эй, яхши одам, мени уйингга киргаз, дам олиб, исиниб олай!

— Кўяй дейману, тулкижон, жой йўк-да!

— Эй, отагинам, ўзим ўриндикка сигаман, думимни унинг тагига ташлаб кўяман — бўлди!

Кария ўйлай-ўйлай, тулкини ичкарига киргазибди. Тулки хурсанд бўлибди. Уй эгаларига таъзим килибди, эрталабгача яссибурун ўрдагини саклаб беришларини сўрабди. Улар тулкининг ўрдагини гозлар орасига кўйиб юборишибди. Тулки эса ўриндикка ўрнашиб, думини ўриндик тагига жойлаб, хуррак ота бошлабди.

— Кўнгли очик экан, бечора чарчабди, ухлаб колди, — дебди кампир.

Кўп ўтмай уй эгалари уйкуга кетишибди. Тулки ўриндикдан секин тушиб, гозларнинг орасидан яссибурун ўрдагини ушлаб олибди. Уни тишлаб – тишлаб, патларини юлиб-юлиб, тозалабди, ебди. Суяклари ва патларини печнинг остига кўмибди. Бамайлихотир уйкуга кетибди, кун ёришиб кетгунча уйгонмабди. Кўзини очиб, керишибди, атрофга карабди. Кулбада кампирнинг бир ўзи экан.

— Бекажон, хўжанг кани? – сўрабди тулки. – у билан хайрлашиб, иссик жой учун миннатдорчилик айтмокчи эдим.

— У бозорга кетган, — дебди кампир.

— Унда хуш кол, бекажон, — дебди тулки эгилиб-эгилиб. – Яссибурун ўрдакчам хам уйгонгандир. Уни келтир, тезрок йўлга тушишимиз керак.

Кампир караса — ўрдак йўк! Нима килсин, каердан топсин? Кайтариш керак, ахир! Кампирнинг ортида тулки турар, кўзларини олайтириб, бор овози билан, йигисини бошлабди: ўрдаги бор унинг — доврукли, бетакрор, дўмбоккина, кумушранг. Бундай ўрдагини хеч кандай гозга алмашмайди.

Бека кўркиб кетибди. Тулкига эгилиб — эгилиб дебди:

— Олакол, онажоним Тулкихон Патрикеевна, истаган гозни олакол! Мен сени мехмон киламан. Ёгимни хам, тухумимни хам аямайман.

Тулки корнини тўйдириб олибди. Семиз, ёғли гозни танлабди, тўрвасига солибди.

Бекага таъзим келтириб, йўлга тушибди. Йўлда кетаётиб, кўшигини бошлабди:

Зим-зие тун оралаб

Кетиб борар тулкихон

Корни оч ва бедармон.

Юриб – юриб бир куни

Топиб олибди кавуш.

Оккўнгил одамларни

Алдаб, кипти айёр иш –

Битта чипта кавушни

Товукка алишибди.

Товугига – ўрдакни,

Ўрдакка – семиз гозни!

Тулки йўлда чарчаб колибди. Тўрвадаги семиз гозни кўтариш кийинлашиб бораркан: дам ўтирибди, дам югурибди, дам турибди. Коронгу тушибди. Кайси эшикни такиллатмасин, очишмабди, рад этишибди. Энг сўнгги кулбага ётиб келибди, астагина такиллатибди: тук – тук – тук.

— Нима керак? – овози келибди уй эгасининг.

— Кадрдоним, исиниб олай, тунашга жой бер!

— Жой йўк! Сенсиз хам тикилиб ётибмиз!

— Мен хеч кимни сикиб кўймайман, — дебди тулки. – Ўзим ўриндикка ётиб оламан, думимни унинг тагига кўяман.

Хўжайниннинг рахми келибди, уйига киритибди. Тулки ундан гозини саклаб беришини сўрабди. Уй эгаси уни панжара ортидаги куркаларга кўшиб кўйибди –да, ўйланиб колибди. Шу кунларда бозор томонлардан айёр тулки хакида миш – мишлар таркалаётган экан. «Бу ўша – хамма гапираётган тулки эмасмикан?» – ўйлабди чол ва уни кузата бошлабди. Тулки ўзини эсли – хушли, одоблидай тутибди. ўриндикнинг устига чикиб, ётиб олибди, думини унинг тагига жойлабди. Кампирнинг хурраги эшитилибди.

Чол кўзларини жўрттага юмиб олибди. Тулки панжара ортига сакраб тушибди. Гозини тутиб, тишлаб – тишлаб, тозалаб олибди — да, ейишга тушибди. Еб – еб дам оларкан. Ахир, бирданига шундай семиз гозни бирдан тугатиб бўлмас экан-да! Чол барисини кузатиб турган экан. Тулки суюк ва патларни печканинг тагига кўмибди-да, жойига бориб ётибди ва уйкуга кетибди.

У узок ухлаб колибди, хўжайин уни уйготибди:

— Тулкижон, яхши ухлаб турдингми?

Тулки керишиб, кўзларини ишкалабди.

— Иззатинг борида йўлга туш, — дебди хўжайин эшикни ланг очиб.

Тулки унга жавобан:

— Уйни совутмасангиз яхши бўлармиди, йўлимни ўзим топиб оламан. Олдин бериб кўйган омонатимни олай, девдим. Кани, гозимни бер!

— Кайси?

— Кечкурун сенга берганим –да. Олган эдинг, тўгрими?

— Ха, олгандим, — деди хўжайин.

— Олган бўлсанг, кайтар, — кистади тулки.

— Гозинг панжара ортида йўқ, ишонмасанг, ўзинг бориб кара, — куркалар бор, холос.

Буни эшитган айёр тулки ўзини ерга ташлаб, хар ёкка уриб, йигисини бошлаби: у гозини хеч бир куркага алмашмайди!

Дехкон тулкининг шумлигини фахмлаб колибди. «Тўхтаб тур, — дебди у ичидা. – Сен бу гозингни кўп эслайсан хали!»

— Нимаям килдик, сен билан келишиб оламиз, шекилли.

Унга гоз ўрнига курса беришга ваъда берибди. Тўрвага курсани эмас, билдирмай итини солибди. Тулки буни сезмабди. Тўрвасини елкасига ортиб, хўжайин билан хайрлашиб, йўлга тушибди.

Йўл юрибди, йўл юрса хам мўл юрибди. Ўзи ва чипта кавуши хакидаги кўшигини айтгиси келибди. Тўрвасини ерга кўйиб, ўтирибди. Кўшигини бошламокчи бўлган экан, бирдан тўрвадан хўжайнинг илини отилиб чикибди, тулкига ташланибди. Ит кувгандан — кувибди, бир кадам хам ортда колмабди.

Иккаласи югуриб – югуриб, ўрмонга кириб келишибди. Тулки кундалар, бутоклар оралаб, ит унинг изидан чопибди. Тулкининг баҳтига кархисидан уя чикиб колибди, унга ўзини отибди. Ит уяга сигмабди, тулки чикиб колармикан деб, унинг ёнида кута бошлабди.

Тулки кўрканидан нафас ололмас экан. Сал ўзига келгач, ўзига – ўзи гапира бошлабди:

— Кулокларим, жон кулокларим, сизлар нима килдингизлар?

— Бизлар ит тулкини еб кўймасин деб диккат билан тингладик.

— Кўзларим, жон кўзларим, сизлар нима килдингиз?

— Бизлар ит тулкини еб кўймасин деб киприк кокмай карадик.

— Оёкларим, жон оёкларим, сизлар нима килдингиз?

— Бизлар ит тулкини ушлаб олмасин деб тўхтамасдан тез югардик.

— Думчам, хой думчам, сен нима килдинг?

— Тўнкалар, бутокларга чирмашиб колмагин деб йўл бермадим.

— Хали сенми мени кошишимга йўл бермаган! Мана, сенга бўлмаса! – дебди тулки ва думини ўрадан чикариб, итга кичкирибди:

— Ол, мана буни е!

Ит тулкини думидан ушлабди — да, уядан тортиб олибди.

*Ойгул Суюндикова таржимаси*